

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 27 март, № 60 (4975)

Шанба

Навоий вилояти:

ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ жойларида ҳам замонавий спорт иншоотларини барпо этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Болалар спорти

Эндликда минглаб ёшларимиз ана шу муҳташам мажмуаларда ўз маҳоратларини ошириб, турли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этмоқдалар, муҳими, ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб камолга етмоқдалар.

Албатта, садоқат ва заковат, жасорат ҳамда шижоат соҳиби бўлган янги авлоднинг катта ҳаётга кириб келиши ҳар қандай халқ, ҳар қандай миллатнинг бахти, куч-қудрати, эртанги кунига бўлган мустаҳкам ишончи кафолатидир. Ана шу кафолатни таъминлашда эса, шубҳасиз, жисмоний ва маънавий тарбиянинг уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу боис ёшларнинг қалби, онги ҳамда дунёқарашини миллий ва умумбашарий кадриятлар асосида шакллантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар

(Давоми 2-бетда).



Ҳар ғал баҳор келганида ўзимни бир ёшга улгайгандек эмас, аксинча, худди ёшаргандек ҳис қиламан. Нега дейсизми? Кўчаю хийбонларимиз, маҳаллаларимиз янаям чиройли бўлиб кетади, дарахтлар куртак ёзиб, атроф яшилликка бурканади. Гулларнинг хушбўй ҳидини айтмай-сизми? Болаларнинг қийқириғи ўйин-кулгиси, қушларнинг чуғур-чуғури... Буларнинг бари кўнглига малҳамдир. Ўзимдан ўзим қувониб, шундай кунларга, тинчлик-хотиржамликка етказганига шукрона келтираман.

ЧУҚУР ҲУРМАТ ВА ҒАМХЎРЛИК ИФОДАСИ

Бу йил 88 баҳорни қаршилайман. Умримдан мингдан-миг розиман. Негаки, Юртбошимизнинг беқиёс ғамхўрликлари туфайли биз, кексалар ҳаммиса ҳурмат ва эҳтиромда, ардоқда. Қаерга бормайлик, давраларнинг түри бизники. Ҳолимиздан кўни-кўшнию маҳалла-кўй доимо хабардор. Байрам кунлари, айниқса, йўлқовчилар кўпаяди. Мана, кун кеча

қилса арзийди. Кўз тегмасин, замонавий мактабларда, коллежларда, институтларда ўқишапти. Билим, касб-хунара эгаллашапти. Буларнинг барчаси мустақиллик, хотиржамлик туфайлидир. Юртимизда Хотира ва қадрлаш кун катта байрам сифатида нишонланади. Бу кўтлуг санада бизларга яна бир қарра алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, ўтганлар руҳи хотирланади. Ана шу кун олдин Президентимизнинг кун кеча "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 65 йиллиги нишонлаши муносабати билан 1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганини эшитиб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медали ҳамда пул мукофоти тантанали равишда топширилди. Бу баҳор байрамига кўшалок тўхфа бўлди, кучимизга куч қўшиб, руҳимизни янада кўтарди. Албатта, қарияларни эъозлаган ҳеч қачон кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз, кексаларга доимо ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимизга соғлиқ, омонлик тилаймиз. Ҳеч қачон кам бўлмасинлар, умрларидан барака топсинлар, дейимиз.

Шукрона
Абдурахим ҲОЖИМАҲМЕДОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Учена туманидаги Кўна-оқтепа маҳалласи

Ўзбекистон — ОТБ: ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг май ойида пойтахтимизда Осий тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 43-йиллик мажлиси бўлиб ўтди. Мазкур йирик халқаро молия ташкилотининг бундай муҳим форумининг Тошкентда ўтказилиши Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар "Ўзбек модели" самарадорлиги дунё миқёсида эътироф этилаётганини яна бир далилидир.

Жаҳон мамлакатларининг аксарияти глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий оқибатларини бошдан кечираётган ҳозирги шароитда, яъни бу давлатларда ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражаси кескин тушиб кетган бир пайтда Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқлари, айниқса, яққол намён бўлмоқда. Мамлакатимизда 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши натижасида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоиз, sanoat ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш

таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлгани таъкидланган. Қайд этиш жоиз, Осий тараққиёт банки вакиллари ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг юксак самараларини бир неча бор таъкидлаган. Улар буни Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этган. Яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган ОТБ президенти Харухо Курода иқтисодиётнинг барча жаҳаларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ниятида эканини билдирди. Ривожланиш, минтақавий ҳамкорлик лойиҳаларини молиялаш ва техник қўмаклаш 67 давлат, шу жумладан, Осий-Тинч океани минтақасининг 48 ва Европанинг sanoati ривожланган 17 мамлакатига ҳамда АҚШ ва Канада аъзо бўлган ушбу халқаро молия институтининг асосий фаолият йўналишларидандир.

(Давоми 2-бетда).

САОДАТ АЙЁМИ

Баҳор — муруватли фасл. Чучмомаю чечаклари, бинафшаю ялписларини ўзидан олдин элчи қилиб юборган кўлма маликаси дастлаб қуёшдан она-заминни қиздириб беришни сўраб, сўнг эса қишининг совуғидан асорат қолмагунча турли-туман кўкатларни қир-адирилар, далаларга дастурхон қилиб ёзар экан. Фарғонадаги кўксомса, Самарқанддаги ялпис бичак, Қашқадарёдаги гўжа, ҳаттоки доривор кўкатлар қўшиладиган махсус Тошкент патирлари табият томонидан кўрсатилган меҳрдан нишона, десак, муболага бўлмас.

Ниғоҳ

Шу ҳафта Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи майдонида узок-яқиндан келган дўсту ёрлар, юртимиздаги қадри меймонлар, табаррук отахону онахонлар, бири-биридан зукко, имли, истеъдодли ёшларимизнинг вакиллари иштирокчи Наврўз тантанасини ўтказди. Тантанали маросимда Юртбошимиз биз орзиқиб кутадиган, баҳор ва янгиликни рамзи — Наврўзнинг кўтлуг қадам билан ўлкамизга

кириб келаётганини айтар экан, унинг ўзига хос сурурини алоҳида таъкидлаб, шундай деди: "Ҳақиқатан ҳам, бу дилбар фаслда офтоб чарақлаб, еру кўкни қиздириши билан биз ҳам ўзимизни худдики янгитдан туғилгандек ҳис қиламиз, қалбларимиз, юракларимиз пок ниятларга тўлиб, бутун вужудимизда янги куч-ғайрат жўш ургандек бўлади".

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб
Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИнинг Амударё туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда корхона ва муассасалар 162 та бўш иш ўрни билан қатнашди.

Иш ўринлари ярмаркаси

Туман ҳокимлиги ва Бандликка қўмаклашувчи маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда 140 кишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилди. Эътиборлиси, уларнинг асосий қисми ёшлардан иборатдир.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

НАВОИЙ шаҳридаги "Фаридбек — Зафарбек" хусусий корхонасида янги қувватларнинг ишга туширилиши ҳисобига тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми икки баробарга ортди.

Янги қувватлар самараси

Айни пайтда корхонада ишлаб чиқарилаётган 14 хилдаги мрамор плиталарга ички бозорда талаб кучаймоқда. Корхона йил бошидан буён қурилиш ташкилотларига 50 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРАЗМ. Коллежлар, академик лицей ва мактаблар учун мебель жиҳозлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Nazorasp texmetplast" масъулияти чекланган жамияти бундан икки йил олдин Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилган.

Ҳам арзон, ҳам сифатли

Яқиндан бошлаб бу ерда бир неча турдаги спорт жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда корхонада ойига ўртача 200 миллион сўмлик сифатли жиҳозлар ишлаб чиқарилиб, юртимизнинг турли бурчакларидаги спорт иншоотларига етказиб берилмоқда.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АНДИЖОН. Вилоят перинатал маркази, Андижон шаҳридаги 1 ва 2-туғуруқ мажмуалари ҳамда 14 та туман тиббиёт бирлашмаси туғуруқ уйлари капитал таъмирлаш чикаришга, замонавий қиёфа касб этди.

Замонавий тиббиёт муассасалари

Бунинг учун бюджет ва ҳомиё ташкилотлар ҳисобидан бир миллиард сўмлик маблағ сарфланди. Шунингдек, Осий тараққиёт банкининг "Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш" лойиҳаси доирасида мазкур тиббиёт муассасалари 312 миң АҚШ долларлик замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бу каби кенг қўламли ўзгаришлар виллоятда она ва бола соғлиғини мустаҳкамлашда катта имкониятлар яратмоқда.

О. ШОДМОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани Аҳмад Ясавий номидаги фермерлар уюшмасида "Ариран" корей қариялар пансионати фойдаланишга топширилди.

Фахрийларга эҳтиром рамзи

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. "Ариран" қариялар пансионати ҳам мамлакатимизда яшаётган корей диаспорасига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Пансионатни қуриш ва таъмирлаш ишлари Жанубий Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди томонидан амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

Кичик бизнеснинг улкан улуши

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарий 50 фоизини ишлаб чиқармоқда.

Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Президентимиз томонидан изчил қўллаб-қувватлаб келинаётганлиги самарасидир.



БИР РАҚАМ
ШАРХИ

«Асия ал-Вуста»:

«ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМГАРМАСИ – ЎТА НОЁБ ТУЗИЛМАДИР»

Мисрнинг «Асия ал-Вуста» ахборот агентлиги сайтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг йиғилишида сўзлаган маърузасига бағишланган мақола эълон қилинди.

Электрон нашрда мамлакатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод орузи — энг буюк орузу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эганига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орузи бу» деган сўзлари айнан келтирилади.

Мақола муаллифи ўқувчилар эътиборини, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг «Ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиди, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажagini қуриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орузи муқассамдир», деган сўзларига қаратади.

Дунё нигоҳи

Биз ва спорт соҳасидаги улкан ишларни изчил давом эттириш, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжумани, юқори малакали спорт уюштуруш ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур дастур ва унда белгиланган вазифалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, оммавий спортини, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтириди.

Агентликнинг хабарига кўра, жорий йилда мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилади ҳамда давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор туфайли болалар спортини ва санъат комплекс тарзда ривожланиб бормоқда.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида баркамол авлод тарбияси билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, олимлар, ёш тадқиқотчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН — ОТБ: ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз 1995 йилдан ОТБнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг маълумотларига кўра, ўтган даврда Ўзбекистонга ажратилган кредитлар ҳажми 1,3 миллиард АҚШ доллари, хусусан, техник кўмаклашиш доирасида ажратилган кредитлар ҳажми 60 миллион доллардан ошган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1998 ЙИЛ 30 АПРЕЛДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ, УШБУ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ БИЛАН КЎЛАБ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА ҲАМКОРЛИК АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтимизда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Республика ахборот-кутубхона маркази ва бошқа қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда электрон кутубхоналар тармоғига илмий-маърифий ахборотлар яратиш ва улардан фойдаланиш технологияларига бағишланган семинар ташкил этилди.

Семинар

Унда юртимиз мутахассислари билан бирга, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия, Эстония, Туркия, Нидерландия каби давлатлар вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Маълумки, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида баркамол авлод таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилади ҳамда давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор туфайли болалар спортини ва санъат комплекс тарзда ривожланиб бормоқда.

«Жаҳон» АА.

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Осие тарқиқот банки билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ушбу молия институтини билан кўлаб йўналишлар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалга оширилмоқда. Бу борада транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, энергетика, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сув ресурсларини бошқариш, соғлиқни сохалаш, таълим ва бошқа соҳаларда стратегик хусусиятга эга қўшма лойиҳалар амалга оширилади.

2006 йилнинг мартида ОТБ томонидан Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг 2010 йилгача мўлжалланган навбатдаги стратегия ва дастур тасдиқланди. Унга кўра, мамлакатимиз учун устувор иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда 16 та янги лойиҳа ишлаб чиқилиб, ҳаётга татиқ этила бошланди. ОТБ билан муносабатларимизни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш учун шариот яратадиган ва уларни узок мудатли асосда ривожлантириш имконини берадиган мультитраншлия молиялаш ҳамкорлигининг янги шакллари яратилди. Мисол учун, ОТБ томонидан энг йирик лойиҳалардан бири — қиймати

300 миллион АҚШ долларилик «Сув таъминоти ва каналлаштириш соҳасида мультитраншлия молиялаш дастури» лойиҳаси маъқулланди. Ўтган йилнинг охирида ОТБнинг транспорт ва транспорт коммуникацияси соҳасида молиявий ёрдам кўрсатиш дастурини тайёрлаш ва шарҳлаш бўйича миссияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон миллий автомагистралли трассасининг участкаларини қуриш учун маблағ ажратилиш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ОТБ иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ўзаро ҳамкорлик изчил кенгайтириб бораётганидан далолат беради. Масалан, илгари Марказий Осие минтақаси транспорт йўлининг бир қисми ҳисобланган ушбу автомагистрални ривожлантириш учун 75 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилган эди.

Ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ушбу лойиҳалар мамлакатимизда иқтисодий ислоҳ қилиш ва аркиллаштириш учун халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳуқуқий базани яратилган, шунингдек, кўлай инвестиция муҳитини шакллантирилган туфайли самарали амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкентда Осие тарқиқот банкнинг олий органи ҳисобланган Бошқарувчилар кенгаши йиллик мажлисини ўтказиш бўйича улкан ишлар олиб борилаётди. Осие тарқиқот банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг пойтахтимизда ўтказилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон билан ушбу йирик халқаро молия институтини ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Фахрийларга эҳтиром рамзи

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унинг очилиш маросимида Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Корей маданият марказлари ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси, дипломатик корпус ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван, Корея халқаро соғлиқни сақлаш фонди президенти Хан Кванг Су ва

Анна ИВАНОВА, ЎЗА шарҳловчиси.

НОВОЙ ВИЛОЯТИ: ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ — БАРКАМОЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Лола Қодирова барча рақибларидан устун келган бўлса, Нуржаҳон Хошимова учинчи ўринни эгаллади. Болалар теннис мажмуасида катта теннис билан мунтазам шуғулланаётган мактаб ўқувчилари орасидан ҳам маҳоратли спортчилар етишиб чиқмоқда. Янги Зарафшон маҳалласидаги спорт мажмуасида эса 129 нафар бола спорт сирларини ўрганаётди.

Ҳозиргача жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушган хомийлик маблағлари эвазига ҳудудда 53 та болалар спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шулардан 45 таси қишлоқ жойлардадир. Айни пайтда болалар спортини янада ривожлантириш мақсадида маҳоратли ўқитувчи-мураббийларни кўпроқ жалб этишга эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Навоийда спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланаётган 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 46796 нафарни ташкил этади. Болалар дам олиш масканларига жалб этилмаган ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Езги таътил» спорт мусобақалари уюштирилмоқда. «Навоийазот» ОАЖга қарашли «Офтобжон» дам олиш масканида Болалар спортини ривожлантириш жамғарма-

Маълумки, «Умид ниҳоллари»нинг

САОДАТ АЙЁМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).



соний голярини ҳар томонлама жилаштирашга алоҳида эътибор қаратилди. Кексаларга иззат-ҳурмат, кам таъминланган оилаларга, етим-есирларга меҳр-муруват, сирасини айтганда, Ҳазрати инсонни шарафлашга қўтлуғ айём мазмунидан келиб чиқиб чуқур назар ташланди. Умуман олганда, унинг мазмун-мундарижаси йилдан-йилга изчил, тадрижий равишда кенгайди. Энг муҳими, Наврўз динидан, миллатидан, ириқдан қатъий назар, ватандошларимизни қомиллик сари ундовчи, фақат яхшилик ва яна яхшиликдан иборат байрам сифатида шаклланиб, юраклар тўридан жой олди.

— Ўзбекистон — жонажон Ватанимиз, — дейди «Видергебурт» Ўзбекистон немис маданият маркази раиси Мария Григорьевна Рекк. — Юртимизда 15 мингга яқин немис миллатига мансуб ватандошларимиз истиқомат қилишади. Табиийки, Наврўз бизнинг ҳам озиқиб кутадиган байрамимиздир. Бу айёмда ўзбекистонликларнинг ўзбeka оилада тинчлик-хотиржамликда, қўлни қўлга бериб, ёрқин келажак сари бир тану бир жон бўлиб дариш иштироқ қилишига бўлган ҳоши-иродаси, ишончи, қатъияти муқаммас. Марказимиз ҳар йили Бобур номидаги богда бошқа миллий маданият марказлари билан биргаликда, аънавий тарзда ўтказилаётган Наврўз тад-

биринчи қатнашиб келади. Ушбу тадбирда турли миллат вакиллари ўзларига хос либосларни кийиб, таомлари, пиширилганни жамоатчиликка тақдим қилади. Миллий ўқишлари, рақсларини ижро этишади. Қисқаси, унутилмас қувончларга лиммо-лим ажойиб тантанана яйраб-яшнашади. Дарҳақиқат, дилларни дилларга тутатиришда, қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашда бугунги Наврўзимизнинг қиёси йўқ. Шу билан бирга, қўтлуғ айём барқарор замониимизга, улкан ютуқлар, зафарлар бахш этаётган Истиқлол йиллари-

нинг хайру баракасига шуқроналик келтириш, ризолик ва омонлик тилашининг фодаси янглиғ шууримизда сайқалланиб бораётди. Разм солиб қарасангиз, бу йилги кўклам дастуронини янада обод, тўқин-сочинроқ, — Айём муносабати билан етти хил таом пишириш удулда бор, — дейди Навоий вилоятининг Дўрмон қишлоғида яшовчи 102 ёшли қаршилаган Мунаввар момо Бобоева. — Ҳозир эринман, қўли гул аёлларимиз қарийб 50 хил таом пиширишапти. Буни ҳам кўйинг-а, биргина бизнинг қишлоқда одамлар уч кун базм қилиб яйрайди, сумалагу халисаю кўксомса, турфа нозу неъматларни уйма-уй тарқатишдан ҳузур қилишади. Онахон ҳақ. Баҳорнинг тўю томошаси бизнинг юртимизда фуқункор, мафтункор ҳамда тенгсиз шаклу шамоил топган. У юртимиз қанчалик тараққий этса, шунчалик ривожланмоқда. Қалбимиз дунёси нақадар юксалса, шу қадар юксалмоқда. Эндилкида у биз билан ҳамнафас, ҳамдам, ҳамқадам бўлган янгилик ва яшариш айёми, асл бебаҳо байрамимиздир.

Абдували ҚУТБИДИНОВ.

Тадбир

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида юридик хизмат ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро шартномаларни тайёрлаш ҳамда ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ишини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ЮРИДИК ХИЗМАТ СИФАТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШГА БАҒИШЛАНДИ

Адлия вазири Р. Мухидинов бошқарган тадбирда идора ва ташкилотларда юридик хизматларнинг ташкил этилган ишбу субъектларда идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тўғри юритилиши, қолаверса, уларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ ишлар самардорлигини оширишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Аmmo айни шу йўналишда ўтказилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, айрим вазирлик, идора ва ҳўжалик бирлашмаларида бу борадаги ишлар талаб даражасида эмас. Ташкилотларда юридик хизматнинг бўш лавозимларини тўлдиршига юзаки қаралаётгани ёки уларда профессионал юристлар ишламаётгани иш сифатида салбий таъсир этмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида Адлия вазирлигида жорий йилнинг март — апрель ойлари давомида давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳуқуқшунослари учун семинарлар ўтказилди. Айни шу йўналишдаги мазкур семинарнинг биринчи иш кунинда Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси таркибидидаги вазирлик ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари, юридик хизмат ходимлари иштирок этди.

Тадбирда юридик хизмат ходимлари фаолиятини янада яхшилаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва шартномаларни тайёрлаш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказишнинг такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар таҳлил этилди.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

